

ЎЗБЕКИСТОНДА СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Норбеков Жахонгир

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7559765>

Сўнгги палеолит даври – инсоният тарихининг энг қизиқарли ва шунинг билан бирга кам ўрганилган соҳаларидан бири. Айнан шу даврда замонавий жисмоний типдаги одамлар (*Homo sapiens*) тарих саҳнасига келдилар ва бутун жамият эволюцияси учун таъмал тошини қўйдилар ҳамда цивилизацияларнинг вужудга келиши учун замин ҳозирладилар. Сўнгги палеолит даври эр.ав. 40-12 минг йилликларни қамраб олади ва ҳақиқатда “барча бошлама”ларнинг бошланиши давридир. Айнан шу даврда санъат, дин, оила ва социал ташкилотларнинг илдизлари яширинган. Ушбу даврни ўрганиш инсоният маданиятидаги воқеаларнинг моҳиятини англаш имконини беради.

Ўзбекистонда сўнгги палеолит даврини системали ўрганиш ишлари 1939 йилда машҳур Самарқанд сўнгги палеолит даври маконининг очилиши билан бошланган. Яқин йилларгача Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даври Самарқанд сўнгги палеолит маданияти (Сиобча, Хўжамазгил ва хусусан Самарқанд макони) ҳамда Оҳангарон дарёси водийсидаги Кўлбулоқнинг юқори (I-III) қатламлари материалларидангина иборат эди. Бугунги кунда Ўзбекистон-Россия халқаро экспедицияси томонидан Тошкент воҳасида Обирахмат, Кўлбулоқ маконлари ва Қизилолма 2 устахонасининг юқори қатламлари қайтадан ўрганилди ҳамда сўнгги палеолит даври билан саналанди. Шунингдек, бу ердан сўнгги палеолит даврига оид Тўдахотин 1 ва 2 ёдгорликлари очилди ва ўрганилди. Умуман олганда, Тошкент воҳасининг сўнгги палеолит даврини ўрганиш янги босқичга кўтарилди.

Таъкидлаганимиздек, яқин вақтларгача Ўзбекистон ҳудудида сўнгги палеолит даври ёдгорликлари Самарқанд маданияти

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин жамият ҳаётининг барча жабҳалари қатори дунёга юз тутди. Бутун дунёда Ўзбекистоннинг энг қадимги ўтмишига бўлган қизиқиш ортди. Бунинг натижаси сифатида 1998 йилдан бошлаб юртимизнинг сўнгги палеолит даврини ўрганиш бўйича Ўзбекистон-Россия-Бельгия халқаро экспедицияси фаолият кўрсата бошлади. Ушбу экспедиция томонидан Тошкент шаҳридан 100 км шарқроқда жойлашган Обирахмат ғорида амалга оширилган қазилмалардан олинган материаллари дунёда катта шов-шувга сазовор бўлди. Обирахмат ғоридан олинган палеоантропологик топилма бутун

дунёда гоминидлар эволюцияси ҳақидаги аввалги қарашларни остин-устун қилиб юборди. Маълум қилинишича, Ўзбекистон ҳудуди ҳозиргача неандерталларнинг замонавий типдаги одамларга ўсиб ўтган, яъни сапиенизация жараёнлари содир бўлган дунёда маълум ягона маданий марказ ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон-Россия-Бельгия экспедицияси томонидан Тошкент воҳасидаги Пском дарёси террасаларидан сўнгги палеолит даврига оид Тўдахотин 1 ва 2 ёдгорликлари очиб ўрганилди. Воҳадаги сўнгги палеолит даврining иккинчи ярмига оид ушбу комплекслар таркибида мезолит даври учун хос бўлган геометрик микролитларнинг мавжудлиги билан характерланиши аниқланди. Бундан Ўзбекистон ҳудудида ҳукм сурган мезолит даври маданиятлари маҳаллий сўнгги палеолит даври комплексларидан автохтон равишда келиб чиққан, деган хулоса қилинди. Шунингдек, халқаро экспедиция томонидан Оҳангарон дарёси водийсидаги Кўлбулоқ ҳамда Қизилолма 2 ёдгорликларида тадқиқотлар олиб борди. Натижада, ушбу ёдгорликларнинг маданий-даврий талқини борасида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Тошкент воҳасининг муҳим ёдгорликларидан бири Кўлбулоқ ҳисобланади ва у Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган ҳамда 1962 йилда О.М. Ростовцев томонидан очилган. Кўлбулоқнинг ўрганилиш тарихини ўрта босқичга ажратиш мумкин. Унинг биринчи босқичи М.Р. Қосимов номи билан боғлиқ ва бу давр ёдгорликнинг очилишидан бошлаб 1990 йилгача бўлган вақтни қамраб олади. Олинган натижалар М.Р. Қосимовнинг қатор илмий мақолаларида ва докторлик диссертациясида ўз аксини топган. Кўп йиллик изланишлар натижасида Кўлбулоқда 600 м² майдон очиб ўрганилган. Асосий №3 шурф 19 м чуқурликка етказилган ва бу ердан ашель (22), мустье (24) ҳамда сўнгги палеолит (3) даврларига оид 49 та маданий қатлам очилган. Ушбу қатламлардан кўплаб тишсимон, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, қирғичлар ва тайяк типдаги пайконлар топилганким, бу Ўрта Осиёда бетакрор Кўлбулоқ маданиятини ажратиш имконини берган.

Кўлбулоқни ўрганишнинг иккинчи босқичи 1990-1995 йилларни ўз ичига олиб, ЎзР ФА АИ палеолитчилар гуруҳи томонидан бошланган эди. 1994-95 йилларда бу ерда Ўзбекистон-Россия халқаро экспедицияси ишлади. Олинган натижалар қатор илмий мақолаларда чоп этилган ва «Предварительные исследования долины реки Ахангаран за 1994-95 гг.» номли монографияда умумлаштирилган. Экспедиция томонидан

Кўлбулоқдаги №3 шурфнинг жанубий девори тарафидан 30 м² майдондан 4 та маданий қатлам очилган ва 200 га яқин тош буюм йиғиб олинган.

Кўлбулоқ маконини ўрганишнинг учинчи босқичи 2007 йилда Ўзбекистон-Россия-Бельгия халқаро экспедицияси томонидан бошланди. 2007-2010 йилларда олиб борилган қазишмалар натижасида бу ердаги 5 м² майдондан 12 та стратиграфик қатлам очилди. Тош буюмларга бой юқориги иккита қатламнинг индустрияси бир-бирига ўхшашлиги ва улар фақат хронологик жиҳатдан фарқ қилиши аниқланди. Стратиграфик ҳамда седиментологик маълумотларга кўра, ушбу қатламларнинг генезиси пролювиал жараёнлар билан боғлиқ деб топилди. Бироқ ушбу қатламларнинг ҳосил бўлишида сел ётқизиқлари ҳам иштирок этган ва бу қатламларнинг қисман аралашувига олиб келган.

Оҳангарон водийсидаги сўнгги палеолит даврига оид навбатдаги ёдгорлик Қизилолма 2 устахонаси бўлиб, у Кўлбулоқдан 1 км шимоли-ғарброқда, охактош қоялар қаторининг пастки қисмида, денгиз сатҳидан 1200 м баландликда жойлашган. У 1962 йилда О.М. Ростовцев томонидан очилган. Қизилолма-2 устахонасида ўрта ва сўнгги палеолит даврига оид комплекслар ажратилган (Касымов М.Р. 1967. –С. 57-58). Ёдгорлик кремний конлари яқинида жойлашган ва 3 м қалинликдаги маданий горизонтларга эга.

1939 йилда Н.Г. Харламов томонидан очилган Самарқанд макони Ўрта Осиёнинг сўнгги палеолитини ўрганишда таянч ёдгорлик ҳисобланади. Макон Самарқанд шаҳри ҳудудида, Чашмасиобнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ёдгорликнинг очилганига анча вақт ўтган бўлса-да, уни ўрганишга қизиқиш сўнганича йўқ.

Самарқанд макони аҳолисига қойил қолиш керак, деб таъкидлайди Г.Ф. Коробкова, негаки, улар кам куч сарфлаб, осонгина пронуклеусларга айлантириш мумкин бўлган галькаларни усталик билан танлай олганлар. Кўпинча, бир ёки икки тарафлама бўртиб чиққан ва юмалоқ ёки ясси галькалардан фойдаланилган. Бундай галкалардан нафақат пронуклеуслар, балки галькали қурооллар ҳам тайёрланган.

Самарқанд маконининг 1958-1960 йилларда қазиб олинган материаллари асосида Г.Ф. Коробкова аввало, ярим фабрикатлардан, яъни бирламчи, ярим бирламчи ва техник йўнилғилардан ҳам қурооллар тайёрланганлигини аниқлади. Маълум бўлишича, улардан гўшт кесиш учун пичоқлар, терига ишлов бериш учун қирғиччалар, ёғоч, шох ва ҳ.к.ларгп ишлов бериш учун исканалар ясалган.

Маконда келтирилган ўлжанинг гўштини тақсимлаш, терисини ажратиб олиш ва унга ишлов бериш ишлари амалга оширилган. Бу жараёнда комплексдаги жами тош қуроолларнинг 35 % иштирок этган. Самарқанд макони аҳолиси ёғочдан қўндоқлар, маиший буюмлар, идишлар, қурооллар ясаганлар, уй жойлар қуришда ва ҳ.к.ларда фойдаланганлар.

Терига ишлов беришда макондаги жами тош қуроолларнинг 19 % иштирок этган ва бу фаолият ҳам Самарқанд макони аҳолисининг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Самарқанд ботиғида сўнгги палеолит даврига оид Сиобча топилма жойи ҳам мавжуд бўлиб, у 1969 йилда Ў. Алимов томонидан очилган ва Н.Х. Тошкенбоев томонидан ўрганилган. Материаллар чуқурлиги 4,5 м лик шурфдан қазиб олинган. Ёдгорлик стратиграфик жиҳатдан ялангдашт (голодностеп) даврига оид деб топилган.

Самарқанд ботиғининг яна бир сўнгги палеолит даври ёдгорлиги Хўжамазгилдир. Ёдгорлик Н.Х. Тошкенбоев томонидан очиб (1969 г.), ўрганилган (1981 г.). Ушбу топилмажой Самарқанд шаҳридан 75 км жануби-шарқда, Туркистон тизмасининг ғарбий этакларида жойлашган. Бу ердаги 1 м чуқурликдаги шурфдан тош ҳамда суяк буюмлар топилган. Ёдгорлик ялангдашт комплексига оид деб топилган.

Шундай қилиб, ҳозирда Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даври тарихига қарашлар тубдан ўзгарди. Қатор янги ёдгорликларнинг очилиши ва ўрганилиши уларни умумлаштирган монографик тадқиқот ўтказишни долзарб қилиб қўйди.

References:

1. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.К., Хушвактов Н.О. Предварительные исследования долины реки Ахангаран за 1994 г.». Санкт-Петербург. 1995.
2. Деревянко А. П., Колобова К. А., Исламов У. И., Фляс Д., Павленок К. К. Новый верхнепалеолитический памятник в долине реки Ахангарон (Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии и антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы годовой сессии Ин-та археологии и этнографии СО РАН 2007. – Т.13. – Ч.1.
3. Деревянко А.П., Исламов У.И., Кривошапкин А.И., Анойкин А.А., Милютин К.И., Сайфуллаев Б.К. Исследования грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) в 2001 г. // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2002.

4. Деревянко А.П., Кривошапкин А.И., Анойкин А.А., Исламов У.И., Петрин В.Т., Сайфуллаев Б.К., Сулейманов Р.Х. Ранний верхний палеолит Узбекистана: индустрия грота Оби-Рахмат (по материалам слоев 2 - 14). // Переход от среднего к позднему палеолиту в Евразии: гипотезы и факты. – Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2005.
5. Деревянко А.П. Эволюция человека: откуда мы и кто мы? Наука и жизнь Узбекистана. № 3-4-5. Ташкент. 2008.
6. Джуракулов М. Д., Холюшкин Ю. П. 1975. Некоторые вопросы применения методов математической статистики в археологии каменного века // Материалы по археологии Узбекистана/. Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 270. Самарканд, 1975.
7. Джуракулов М. Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. – Ташкент, 1987.
8. Джуракулов М. Д. Результаты археологических исследований Самаркандской верхнепалеолитической стоянки в 1970—1971 гг.//Каменный век Средней Азии и Казахстана. ТД совещания. Ташкент. 1972.
9. Джуракулов М. Д. Каменный век бассейна Заравшана. Автореф. дисс.... доктора ист. наук. Самарканд. 1992.
10. Касымов М.Р. О проблемах изучения палеолита на территории Средней Азии и Южного Казахстана // ОНУ, № 9, Ташкент, 1990.
11. Касымов М.Р., Годин М.Х. Важнейшие результаты исследований многослойной стоянки Кульбулак // ИМКУ, вып. 19. Ташкент. 1984.
12. Касымов М.Р., Годин М.Х., Худайбердыев Т.Н., Домустьерские культуры на территории Узбекистана // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной, Восточной Азии и Америки. Новосибирск. 1992.
13. Коробкова Г. Ф. Трасалогическое исследование каменного инвентаря Самаркандской стоянки. (По материалам 1958-1960 гг.) // Палеолит и неолит СССР. Т. 7 (под ред. Абрамовой З.А.и Праслова Н.Д.) МИА. № 185. Л, 1972.
14. Коробкова Г. Ф., Джуракулов М. Д. Самаркандская стоянка как этолон верхнего палеолита Средней Азии//Stratum Plus, Кишинёв, 2000.
15. Лев Д.Н. Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности // Тр. Сам.ГУ. Новая серия. Вып.166 (под ред. Аминова М. У.). Самарканд, 1967.
16. Ранов В.А. Самаркандская стоянка и ее место в каменном веке Средней Азии // ИАН Тадж. ССР. Отд. общ. наук. №4 /58. 1969.

17. Ранов В.А., Несмеянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. Душанбе. 1974.
18. Сулейманов Р.Х. Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. – Ташкент: Фан, 1972.
19. Сулейманов Р.Х. Грот Оби-Рахмат и проблемы палеолита Центральной Азии // Археология Узбекистана. № 1. Самарканд, 2010.